

2012 йил халк хўжалигининг барча соҳаларидаги сингари бадиий адабиётда хам гоят самарали бўлди. Бу жихатдан адабиётимизнинг гултожи хисобланган роман жанрининг хирмони хам микдори, хам сифатига кўра аввалги йиллардагидан колишмайди. Мавзуларнинг ранг-баранглиги, адабий ахоли тоифасининг янгилиги, характерлар хилма-хиллиги, бадиийлик мезонлари ва муаммо ечимидаги ўзига хослик роман жанрининг йил сайин имкониятлари кенгайиб, жаҳон микёсига чикиш йўлларини излаётганидан далолат беради.

Ўтган йили биргина «Шарк юлдузи» журналининг ўзида 6 та – Назар Эшонкулнинг «Гўрўgli», Асал Дилмуроднинг «Ранг ва меҳвар» романлари тўла, Комил Авазнинг «Созанда», Хаким Сатторийнинг «Согинч» (хар иккала роман кейинрок алоҳида китоб холида нашр этилди), Нурали Кобулнинг «Тахт тагидаги зиндан», Гулом Каримийнинг «Лангар фожиаси» романларидан парчалар эълон килинди. Булар каторига пойтаҳт нашриётларида чоп этилган Ўзбекистон Халк ёзувчилари Одил Ёкубов ва Тохир Маликларнинг «Осий банд» хамда «Самум», Саъдулла Сиёевнинг «Ахмад Яссавий», Баходир Худойбергановнинг «Аёл армони» (барчаси «Ўзбекистон»), Н.Каримовнинг «Миртемир» («Мериус»), Абдукаюм Йўлдошевнинг «Банкир» («Тафаккур каноти»), Олимжон Хайитнинг «Аросатлар ороли» («Янги аср авлоди») хамда вилоятлар ва хусусий нашриётларда босилиб чиккан кўплаб романларни хам кўшадиган бўлсак, йил хирмонининг салмоги янада ортади.

2012 йил романлари хосилини сархисоб килар эканмиз, аввало, уларни мавзуу ва муаммосига кўра куйидаги гурухларга ажратиб олишни лозим топдик:

1. Ижтимоий-иктисодий (О. Ёкубовнинг «Осий банд», А.Йўлдошнинг «Банкир», X.Сатторийнинг «Согинч», Г.Каримийнинг «Лангар фожиаси»);
2. Маънавий-ахлокий (Т.Маликнинг «Самум», Н.Эшонкулнинг «Гўрўgli», А.Дилмуроднинг «Ранг ва меҳвар», Б. Худойбергановнинг «Аёл армони»);
3. Тарихий (С.Сиёевнинг «Ахмад Яссавий», К.Авазнинг «Созанда», Н. Кобулнинг «Тахт тагидаги зиндан»);
4. Биографик (Н.Каримовнинг «Миртемир», О.Хайитовнинг «Аросатлар ороли»);
5. Детектив (бу гурухдаги романларнинг хадди-хисобига етиб бўлмайди, аммо уларнинг кўпчилиги енгил-елпи, олди-кочди воеалардан иборат бўлгани учун муносабат билдиришдан ўзимизни тийдик).

Бу таснифни шартли кабул килиш жоиз. Негаки, ижтимоий-иктисодий мавзуу ва муаммони кўтарган романлар маънавий-ахлокий масалалардан холи бўлмаганидек, тарихий хамда биографик романларда хам қаҳрамон такдири билан боғлик ижтимоий-иктисодий, маънавий-ахлокий муаммолар акс этиши табиий. Масалан, Ўзбекистон Халк ёзувчиси Одил Ёкубовнинг умри сўнггида ёза бошлаган, аммо бетоблиги сабабли тўла тугалланмай, кайта ишланмай колган «Осий банд» романида юкоридаги барча мавзуу ва муаммолар камраб олинган десак, хато килмаган бўламиз. Роман ёзувчи услубига хос шафкатсиз реализмнинг янада такомиллашганидан, жамият иллатларининг туб илдизларини реал фактлар ва далилларга асосланган холда фош этилиши жихатидан «Диёнат», «Ок кушлар, оппок кушлар» романларига караганда бир

неча погона юксакликка кўтарилиганидан далолат беради. Адиб ўтган асрнинг 80-йилларида ўзбек халки бошига маломат тоши бўлиб ёғилган пахта яккахокимлигининг фожиали окибатларини, «пахта иши»ни вужудга келтирган кабих сиёсатнинг туб илдизларини 50-60-йиллар воқеалари билан бοглаган холда реал образлар воситасида очиб ташлайди.

Маълум бўлишича, романнинг атиги 16 боби ёзиб бўлинган экан, холос. Аммо шу бобларда тасвирланган воқеалар хам истеъдодли адибнинг юксак маҳоратидан дарак беради.

Ўзбекистон Халк ёзувчиси Тохир Малик ўзининг доимий мавзуси ва услубига содик колиб, киморбозлар, ўгрилар ва наркомафиозлар фаолияти хакида бир неча китобга мўлжалланган «Самум» романини эълон килди. Маънавий-ахлокий муаммолар асосий мавкени эгаллаган бу романда хам жамиятнинг ижтимоий-иктисодий холати, Бўрон, Ўлат, Гирромларнинг хаётига оид биографик маълумотлар, хатто детектив унсурлар хам учрайди. Ёзувчининг максади «китобхонни жиноятчилар оламининг турли зулмлари билан таништиришгина эмас», балки шулар тузогига билиб-бilmай илиниб колаётган одамлар, асосан, ёшларни хушёрликка чорлаш, «Козонга якин юрсанг, кораси юкади» деб огохлантиришдан иборатdir.

Ўзининг кўплаб хикоя ва киссалари билан китобхонлар хамда адабий жамоатчилик эътиборини козонган ёзувчи Абдукаюм Йўлдошев «Банкир» романида бозор иктисодиётининг мухим соҳаси бўлмиш банк ва согликни саклаш тизимидағи ўзига хос ислохотлар, бу борадаги мураккабликлар, ўзаро ракобат ва жиноятчилик илдизларини каламга олади. Беш кисмдан ташкил топган роман воқеалари ретроспектив баён асосига курилган. Роман банкир Толибжон Бакировнинг 55 ёшга кириши муносабати билан ўринбосари Абдужаббор Маннонов хамда бўлим бошликлари ташабbusи билан ўюштирилган тантанали зиёфатда захарланиб, шахар шифохонасиға олиб келишиниши билан бошланади.

Абдукаюм Йўлдошев роман воқеаларини хикоя килишда киносценарий жанри усулига кўпроқ мурожаат килганлиги сезилади. Эпизодларнинг тез-тез ўрин алмашиб туриши, қаҳрамонларнинг воқелик доирасидаги иштирокини романга хос батафсилроқ тасвирлаш, руҳий кечинмаларини чукуррек очиш ўрнига уларнинг киска диалоглари ва хатти-харакатларини кўрсатишга эътибор каратиш шундан далолат беради.

Профессор К.Йўлдошев кайд этганидек, «бадиий асар хакида бизда шаклланган одатий тушунча ва тасаввурларга унчалик мос келмайди»ган «Ранг ва меҳвар» романи ўзини мутахассис деб билган юксак савияли китобхонни хам тишини тишига босиб, сабр-токат билан ўкишга мажбур килади. Асаддаги узундан-узок жумлалар, бир-бирини рад этувчи хотиралар синигидан таркиб топган манзаралар айкаш-уйкашлиги билан унинг сабр косасини тўлдиради. Шу азобга чидаса ва мутолаадан сўнг узок ўйласа, хаёлида куйидагича манзара жонланса ажабмас: асар воқеалари марказида «хар неки курган-кечирганини мойбўёқ билан матода зарблаш ва жувонмарг кетган кавмдошлари арвохини шод этишга бел bogla «ган мусаввир Комрон Вали туради ва барча ходисалар унинг хаёлида кечади. Роман чиндан хам мураккаб курилмага, стилистик номукаммалликка эга ўзига хос асаддир.

Назаримда, Асад Дилмурод асар структурасини лойихалашда бундан 15 йил олдин айтган куйидаги фикрларига амал килган: «Адабиёт тили – рамзий тил, тимсолий тил. Мажозий йўсинг билан сўзлаганда, бадиий ижод танланган мавзу моҳиятини, аникроги, руҳ драмасини чукуррек очади. Адабиёт мажоз тили билан сўзлай бошласа, руҳият

драмасини, инсон калбини теранрок очиш учун кенг имкониятларга эга бўлади». Одатда, бу усулда хикоя килинган асарларда ўтмиш билан бугун, фано билан бако, хаёлот ва реаллик, замон ва макон бир нуктада – персонаж онгида бирлашади ва бир пайтнинг ўзида харакатланаверади. «Ранг ва меҳвар» романида шундай структурал марказни Комрон Вали образи бажаради. Ўкувчи унинг калб драмаси оркали ижтимоий хаётда, айникса, тасвирий санъат соҳасида рўй бераётган тартибсизликлар, корчалонлик каби иллатлардан хабардор бўлади.

Менимча, «Ранг ва меҳвар»ни истеъододли ёзувчи Асад Дилмуроднинг жаҳон адабиётига хос онг оқими анъаналарини ижодий давом эттириш йўлида олиб бораётган навбатдаги эксперименти деб кабул килиш ўринлиdir

«Гўрўгли» – талай хикоя ва киссалари билан танилган Назар Эшонкулнинг биринчи романи хисобланади. Муаллифнинг изохлашича, асар ўтган асрнинг 90-йилларида ёзиб тугалланган. Роман «инсоннинг тириклиги ва мавжудлигини тан олмаган, инсонийлик шаъни ва гурурини хўрлаш ва хакоратлаш эвазига яшаган ўша мустабид тузум» суратини акслантиради. «Гўрўглининг туғилиши» достонидан эпиграф килиб олинган «Айтсан етгаймикан, энажон, зорим, Юракда гамим кўп, ичда зангларим» сатрлари ёзувчининг гоявий ниятини тушуниш учун калит вазифасини бажаради. Арз килувчининг «энажони» – мустабид Шўро жамияти аллакачон кариб, кар ва кўр холига келганлиги туфайли «бала»сининг зорини эшитишга, гамига даво топиб, ичидаги зангларини артишга курби етмай колганлиги учун арзини хеч ким тингламайди, тинглашни истамайди хам.

Натижада, юрагида тўпланган гамлар занглаб, Н.ни хам маънан, хам жисмонан ўлим сари етаклайди.

Н. бошидан кечирган воеалар «хукмни сўзсиз бажариш керак. Топширикни бажариш биз учун конун» бўлган Шўро даври сиёсатининг бадиий кўзгусидир. Шу конун хукм сурган жамиятда Н.нинг энг катта хатоси – ўзи учун «шарт бўлмаган нарсани (яъни ўзининг тирик эканлигини – Й.С.) исботлашга» уринганлигидир. Ха, чиндан хам «Хамма нарса инсон учун, инсоннинг баҳт-саодати учун» деган соҳта шиор билан халкини алдаган Шўро хукумати учун тириклар эмас, «Ўлик жонлар» керак эди. Н. билан кабристон гўркови ўртасидаги диалогда романнинг яна бир яширин гояси юз очади: «Сизнинг энг катта хатонгиз шарт бўлмаган нарсани исботламокчи бўлганингизда! – деди гўрков бамайлихотир. – Сиз курашни нотўгри танладингиз! Мухими, сиз мен тирикман деб даво килгансиз, барча далиллар сизга карши эди, натижада, сизнинг даъвонгиз исбот этилмади. Сиз тирикман деб нимага эришдингиз?»

Роман том маънода абсурд гоясига – яашашда маъни йўқ деган фикр асосига курилган. Худди юмалок тошни тепаликка олиб чикиб, ўзининг хаклигини исботлашга уринаётган Сизиф сингари Н. хам махкамаларга тинимсиз катнаб тириклигини исботламокчи бўлади. Бундан умидвор, бирок у мансуб бўлган жамият одамнинг хаклигини тан олгиси келмайди. Асарни ўқир эканмиз, хаёлимизга беихтиёр Ф. Кафканинг «Жараён» романи келади. Каҳрамонлар исмининг бosh ҳарф билан белгиланишидан тортиб, уларнинг ёшигача, ўз гунохсизлигини исботлаш учун югуриб-елишларигача, аммо хак эканлигини амалда исботлай олмай, рухан азобланиб, ўлиб кетишларигача бир-бирига ўхшайди.

Ўтган йили иккита биографик роман яратилди. Булар Н. Каримовнинг «Миртемир» ва О.Хайитнинг «Аросатлар ороли» деб аталган асарлари бўлиб, улар ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Маърифий-биографик роман яратишда катта тажрибага эга бўлган профессор Наим Каримов (олимнинг Чўлпон, Х.Олимжон, М.Шайхзода хакидаги романларини эсланг) ўзбек адабиётининг энг садокатли, энг хокисор вакили

Миртемирнинг монументал киёфасини хам адабиётшунос, хам тарихчи, хам этнограф, хам психолог сифатида мукаммал чизиб бера олади. Бирок О.Хайитнинг асари тўғрисида илик фикр билдиришдан ожизмиз. Гап шундаки, ёзувчи ёшлигидан кўп кийинчилик, яхши ва ёмон одамларни кўрган, харбий хизматни ўтаб келган 24-25 ёшдаги журналист Кодиржоннинг хаёт йўлини акс эттиришни ният килган.

Аслида, у бошидан кечирган воеалар шу кадар ўткинчи, шу кадар номухимки, улар олдида довдираб колган Кодиржоннинг ахволига ачиниб кетасиз. Бу асар шунчаки воеалар баёнидан иборат бўлиб колган.

Маълумки, мустакилликка эришганимиздан кейин тарихимизга муносабат тубдан ўзгарди. Шу пайтгача кора бўёк билан чапланган тарих сахифаларидан нур ва хакикатни излашга эътибор кучайди. Достонлар, драмалар, кисса ва хикоялардан ташкари хар йили тарихий мавзуда ёзилган талай романлар дунёга келаётгандиги ана шу саъй-харакатнинг самарасидир. Шунга карамай, хали халкимиз тарихида «очилмаган кўрик»лар жуда кўп ва улар ўзлаштирилишини интизорлик билан кутиб турибди.

Ана шундай очилмаган кўриклардан бири – Туркистон ўлкасининг Шайх ул-машойихи бўлган улуг зот Хожа Ахмад Яссавий хазратларининг фаолияти эди.

Адиб Саъдулла Сиёев ўтган йили чорак аср давомида изланиб, нихоясига етказган «Ахмад Яссавий» номли роман-дилогиясини ўкувчилар хукмига хавола килди.

Аслида, ушбу романнинг биринчи китоби янги аср бошларида «Яссавийнинг сўнгги сафари» номи билан эълон килинганди. Шундан сўнг иккинчи китоб устида адиб ўн йилдан ортиқ ишлади. «Она юрт шамоллари» деб номланган иккинчи китоб хаж сафарига кетаётган хазратнинг йўл-йўлакай садокатли муриди Султон Санжар хукмронлик килаётган Марв мамлакати ахолисини ўлат балосидан куткаргач, хаж савобини олгани хакидаги илохий ишора туфайли Туркистонга кайтишидан бошланади.

Умуман, иккинчи китобда Хожа Ахмад Яссавийнинг маънавий-рухий, маърифий-ижодий фаолияти доирасини бирмунча кенгайтириш имкониятлари мавжудлиги сезилиб турибди. Бирок муаллиф улардан фойдаланишни истамагандек таассурот колади.

Таникли ёзувчи Нурали Кобул сўнгги йилларда кўпроқ тарихга мурожаат килиб, унинг шонли сахифаларини бадиий образлар воситасида шавк билан хикоя килишга киришди. Бу борада адиб киска муддатда иккита роман яратди. Ёзувчининг «Тахт тагидаги зиндан» романи бундан атиги икки йил аввал эълон килинганди «Буюк Турон амири ёхуд акл ва килич» романининг мантикий давоми бўлиб, улар бир-бирини тўлдиради. «Тахт тагидаги зиндан»да улуг Амирнинг хиёнаткор ва иккюзламачи Тўхтамишхон билан олиб борган мухорабаси ифодаланган. Романнинг журнал сахифаларида эълон килинганди атиги 4 боби (2, 3, 4, 5) га таяниб, муаллифнинг гоявий нияти хакида тугал хуолоса чикариш кийин. Бу хакда роман тўла босилиб чиккандан сўнг фикр юритиш ўринлидир.

Таникли адиб Комил Аваз «Созанда» романида асосий эътиборини Хоразм кўшикчилиги тарихи, унинг бардавом бўлишига муносиб хисса кўшган халк хофизларининг фаолиятини акс эттиришга каратади. Роман маънан покланиш воситаси ва руҳият озукаси бўлган соз ва илохий касб эгаси созанда хакидадир. Бу ниятини ифодалаш учун адиб Хоразм тарихининг XX аср бошидан 50-йилларгача бўлган энг мураккаб даврини каламга олган. Воеалар марказида полвон, созанда ва хонанда, покиза ниятли Кутлугмурод, шахсий манфаатига эришиш йўлида хар кандай разилликдан кайтмайдиган Матмурод хофиз (Матти мутрик), катъиятли устоз Абдирим

банги, гўзал ва ишонувчан киз Камарсултон хамда унинг ота-оналари образлари туради. Худди шундай тарихнависликка берилиб кетиш кусури X.Сатторийнинг «Согинч» романида хам учрайди. Роман баёнида ахборот хаддан зиёд кўпайиб, ўкувчини зериктириш даражасига етади. Айрим ўринларда бадиий тасвирдан кўра илмий тафаккур устун келганлиги сезилиб колган. Энг мухими, романда воеалар ривожига туртки берувчи, каҳрамонларни харакатга келтирувчи жиддий конфликт, кўзга ярк этиб ташланадиган характер учрамайди.

Б.Худойбергановнинг «Аёл армони» романни олий ўкув юртини тамомлаб, оиласига кайтган уч кизнинг уч хил такдири оркали кизлик шаъни, номусини асрash баҳт ва миллий бойлик деган фикр асосига курилган. Турсуной билан Шахло ўйламай босган калтис кадамлари туфайли бир умр армонда яшайдилар. Фарангиз эса сабр-токат билан «тош келса – кемириб, сув келса – симириб», ёмонларнинг хам тахсинига сазовор бўлади. Хар учовининг кисматида оиласидаги мухит, айникса, она асосий роль ўйнаганлигига алоҳида ургу берилади.

Хуллас, 2012 йилда яратилган романлар воееликни баён килиш ва образлар талкинига кўра анъанавий хамда ноанъанавий усусларда битилгани уларнинг шаклан ва мазмунан янгиланиб бораётганидан далолат беради. Шу билан бирга, мухим ижтимоий-маънавий муаммоларни кўтариш, уларни йирик характерлар воситасида ўкувчилар шуурига сингдириш санъаткорлар олдидаги мухим вазифа бўлиб колаётганигини унутмаслигимиз лозим.